



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2015 йил 21 февраль, № 36 (6219)

Шанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ – 1941 – 1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ФРОНТИ ФАХРИЙЛАРИНИ «ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ» ЎЗДАЛИК ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

2015 йил 9 майда умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқаролари — 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини муносиб равишда ва иззат-икром билан шарафлаш мақсадида:

1. 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги шарафига “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали таъсис этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан Ўзбекис-

тон Республикаси фуқаролари — “1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” ва “Япония устидан қозонилган ғалаба учун” медаллари билан, уруш йилларида жанговар хизматлари учун олинган бошқа орден ва медаллар билан мукофотланган ёки уруш қатнашчиси гувоҳномасига ёхуд Ватан уруши ногирони гувоҳномаларига эга бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фидокорона меҳнати учун мукофотланган, шу жумладан, “1941 — 1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун”, “Меҳнатдаги жасорати учун”, “Меҳнатда ўрнатқанлиги учун” медалларига ёки 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида қуролли кучларда

фуқаро шахсларни эркин ёллаш бўйича штат лавозимида бўлган-ли тузиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали тўғрисидаги Низом ва унинг тавсифи 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жағмараси билан биргаликда икки ҳафта муддатда “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан мукофотланиши лозим бўлган 1941 — 1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва

ногиронларининг, меҳнат fronti қатнашчиларининг аниқ рўйхатини тузиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Марказий банк ва “Давлат белгиси” давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда бир ой муддатда “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномалари бланклари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин;

2015 йилнинг 1 мартага қадар Иккинчи жаҳон урушида

фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги мамлакатимизда кенг байрам қилинишига бағишланган тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медаллари билан тантанали ва байрамона вазиятда мукофотлаш чора-тадбирлари қўзда тутилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 19 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2015 йил 19 февралдаги ПФ-4704-сонли
Фармонида 2-илова

«Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медалининг ТАВСИФИ



“Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали 0,25 микронгача қалинликдаги олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 32 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик юбилей медалининг ўнг томонида таралаётган қуёш нурлари фонда “Хотира майдони” ёдгорлик комплексидagi Мангу олов ёнида

“Мотамсаро Она” монументи тасвирланган. Монументнинг чап ва ўнг томонларида 1945 ва 2015 рақамлари ёзилган бўлиб, улар Иккинчи жаҳон уруши тугаган йил ва юбилей йилини англатади.

Эсдалик юбилей медалининг орқа томонида “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” сўзлари ёзилган. Ёзув дафна чамбари билан ўралган бўлиб, унинг новдалари пастда саккиз қиррали юлдуз билан туташган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабарикдир. Эсдалик юбилей медалининг қирралари доира билан ҳошияланган.

Эсдалик юбилей медали ҳалқачалар ёрдамида беш бурчакли колодка билан туташтирилади, унинг устки қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидagi эни 24 миллиметрли шойи лента билан ўралган. Қўқ, оқ ва яшил полосаларнинг эни 7 миллиметрдан, қизил полосаларнинг эни эса 1,5 миллиметрдан. Колодканинг баландлиги 48 миллиметр, эни 45 миллиметр. Тўғноғич ёрдамида қадалади.

Зулфия ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда ўзбек халқининг сеvimли шoirаси Зулфия иходи, фаолияти ва ҳаётига бағишлаб яратилган zulfiyaonline.uz веб-сайтининг тақдирот маросими ўтказилди.

Адабиёт ихлосмандларига муносиб тухфа

Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ҳамда ижодий ташкилотлар масъуллари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар фаоллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, талаба-ёшлар, халқаро ташкилотлар ҳамда юртимиздаги элчионалар вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг ибратли ҳаёти, бетакрор истеъдоди, ижтимоий фаолияти, етук бадийи асарлари билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз

ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси давлатимиз томонидан эъозланиб келинаётгани алоҳида таъкидланди. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани, ҳозиргача 212 нафар иктидорли қиз адабиёт, таълим, санъат, маданият, спорт каби йўналишларда ушбу нуфузли мукофот билан тақдирлангани юртимизда истеъдодли, оқила, зукко, фаол қизлар сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ДЕПУТАТЛАР ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

20 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақдир этилган кун тартиби тасдиқланганидан сўнг депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор янги қонун лойиҳа-

ларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Бундан олдин сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлислари бўлиб ўтди. Ушбу мажлисларда кун тартибига киритиладиган

масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаларини ҳар томонлама муҳокама этиш якунларига қўра, уларни янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Депутатлар ўз ишларини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини муҳокама этишдан бошладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш муҳимлигини таъкидлаб, акциядорлар ва аввало, акцияларнинг миноритар эгалари, амалиётнинг кўрсатишича, ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фой-

даланамётганлигини, жамиятлар фаолиятига таъсир кўрсатмаётганлигини қайд этган эди.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тасдиқланган 2014 — 2015 йилларда инвестиция иклими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурига мувофиқ тайёрланди. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви самарали шакллантириш ва фаол ривожлантиришга ҳамда жамият миноритар акциядорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

(Давоми 3-бетда).

29 МАРТ — САЙЛОВ КУНИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тиклиниш” демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқоти доирасида мамлакатимиз ҳудудларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

2-саҳифага қаранг. >>>

Сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигининг муҳим омили

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида онлайн семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритишда оммавий ахборот воситалари иштирокининг долзарб масалаларига бағишланди.

Журналистларнинг миллий сайлов қонунчилигига оид ҳуқуқий билимларини янада ошириш, сайлов жараёнини тезкор ва холис ёритиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мақсадида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари аъзолари, экспертлар, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Семинар давомида ҳудудий матбуот марказлари ходимлари ва журналистлар билан мулоқот видеоалоқа шаклида олиб борилди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юртимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда гоёт муҳим аҳамиятга молик бўлган сиёсий воқеа эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Мамлакатимизда демократик сайловларни ташкил этишнинг муҳим жиҳати шундаки, факатгина овоз бериш аширин амалга оширилади, ошқор барча жараён очик, қолган ва транспарентлик руҳида ўтади, — деди М. Абдусаломов. — “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг ҳамда сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништириладилар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳақидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар. Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида, овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ҳамда радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатув-



чилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қайд этилганидек, сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳозирги кунда сайлов жараёнининг фаол иштирокчилари ҳисобланади. Сайлов комиссияларининг барча тадбирларида журналистлар қатнашмоқда. Телевидениеда мавзуга оид теле ва радиозёштитиришлар мунтазам эфирга узатиляпти, сайлов жараёнининг барча босқичига доир тушунтириш-тарғибот роликлари намойиш этилмоқда. Сайлов кампанияси босма ва интернет-нашрларда ҳам фаол ёритилаётди.

Онлайн семинарда эътироф қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти қизгин паллага кираётган шу кунларда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирчанлиги янада ошмоқда. Сайлов қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилган.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари томонидан сайлов жараёнининг барча тадбирларини ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини қонунчиликка қатъий риоя этган ҳолда, холислик, бемайллик ва адолатлилик тамойиллари асосида ёритиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Семинар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини очиб берадиган, сайлов кампаниясининг барча босқичи ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишга доир маърузалар тингланди.

Узаро мулоқот ва фикр алмашиш руҳида кечган тадбирда иштирокчилар ўзаларини қизқитириган саволларга жавоб олишди.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2014 йилда
мамлакатимиз авиация
транспортида юк ташиш
ҳажми аввалги йилдагига
нисбатан

8,5
фоиз ортди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси дунёдаги кўплаб йирик авиакомпанияларни ўзида бирлаштирган Халқаро ҳаво транспорт асо-
сиациясининг (IATA) тенг ҳуқуқли аъзоси бўлгани, Навоий шаҳри аэропорти негизига Халқаро логистика маркази ташкил этилгани туфайли соҳада ана шундай ўсиш суръати таъминланди.



Иқтисодиёт — кучли ижтимоий сиёсат асоси

Хотамжон Кетмонов Навоий ва Бухоро вилоятлари сайловчилари билан учрашди.



Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Кетмоновнинг сайловолди ташвиқоти доирасида 20 февраль куни Навоий ва Бухоро вилоятлари сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирларда жами 500 нафарга яқин таълим муассасалари ўқувчилари, корхона ва ташкилотлар ходимлари, жамоатчилик вакиллари, ЎзХДП фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари қатнашди.

Номзоднинг ишончли вакиллари — ЎзХДП Навоий вилояти кенгаши раиси А. Асадов ва партиянинг Бухоро вилояти кенгаши раиси С. Жўраева учрашувлар қатнашчиларини Хотамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Сайловчилар олдида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Кетмонов нутқ сўзлади. У, жумладан, мус-

тақиллик йилларида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича ислохотлар, ижтимоий-сиёсий, социал соҳалардаги ўзгаришлар аҳоли фаровонлигининг сезиларли даражада ўсишида, республикамиз қишлоқ ва шаҳарларидаги аҳоли турмуши сифати яхшиланишида муҳим омил бўлганини таъкидлади.

Жадал ўзгараётган бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий жараёнларни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг илгор механизmlарини жорий этиш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган янги лойиҳаларни амалга ошириш лозим. Президентликка ном-

зод йиғилганларга ўз Сайловолди дастурининг йўналишлари ҳақида сўзлаб берди: “Биз учун асосий устувор йўналишлар, авваламбор, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатлари ҳимояси йўлида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишини қўллаб-қувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсатни юритиш; мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жихатдан макбул шарт-шароитларни яратиш; пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар, ота-она қармоғидан махрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа ижтимоий ғруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондириши кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантиришдан иборатдир”.

Сайловолди дастурида, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматлар нархини шакл-

лантириш устидан давлат назорати самарадорлигини янада ошириш орқали уларнинг қиймати ҳамда тарифлари ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаслигини таъминлаш бўйича ҳам вазифалар белгиланган.

Учрашувларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаб Зарафшон шаҳар 1-умумтаълим мактаби директори Г. Қаршиёева, Навоий давлат педагогика институти кафедраси мудир Х. Қурбоннов, Конимех туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори И. Наризова, Когон туманидаги “Сухор” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Б. Комилова, Ўзбекистон ХДП Қорақўл тумани кенгаши раиси Ф. Бебутов ҳамда бошқалар сўзга чиқди.

Хотамжон Кетмонов тадбирлар иштирокчиларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, бандликни, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан ишончли вакиллари — “Миллий тикланиш” демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши раиси Б. Бобожонов ва Қорақалпоқ давлат университети профессори Е. Қутибоева учрашувлар иштирокчиларини Акмал Саидовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Кетмоновга овоз беришга қақиради!

ЎЗХДП матбуот хизмати.

Фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашнинг муҳим омили

Акмал Саидов Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашди.



20 февраль куни Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Тадбирларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тадбиркорлар, талабалар ва ўрта махсус, касб хунар таълими муассасалари ўқувчилари, партия фаоллари иштирок этди.

Номзоднинг ишончли вакиллари — “Миллий тикланиш” демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши раиси Б. Бобожонов ва Қорақалпоқ давлат университети профессори Е. Қутибоева учрашувлар иштирокчиларини Акмал Саидовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ўз нутқида шу йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган сайлов, шак-шубҳасиз, мамлакатимизда тобо-



бойитишдаги бевосита иштирокини таъминлашда маҳалланинг ролини кучайтириш бўйича вазифалар белгилаб олинган.

Акмал Саидов давлат ҳамда фуқаролик жамияти ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича ташкилий-хуқуқий, иқтисодий чораларни кўриш, бунинг учун маҳаллий вакиллик органлари ҳузурида жамоатчилик комиссияларини тузиш ва амалиётга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларини изчил ва демократик рағбатлантириш тизимини жорий қилишнинг аҳамиятини алоҳида қайд этиб ўтди. Номзоднинг таъкидлашича, давлат ҳамда жамиятнинг биргаликдаги с а й - ҳ а р а к а т л а р и билангина қўйилган мақсадларга эришиш мумкин. Шу боис юксак

хуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданияти миллий хуқуқий тизим етуқлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Мамлакатда таълимни янада такомиллаштириш, Конституция, инсон ҳуқуқлари ҳамда демократия асосларини узлуксиз ўрганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган изчил чораларни кўриш тақдир қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовни қўллаб-қувватлаб халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашидаги “Миллий тикланиш” демократик партияси депутатлик ғуруҳи раҳбари И. Болтаев, Тўртқўл тумани Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Б. Машарипов сўзга чиқди.

Учрашувларда иштирокчилар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олдинда турган ишлар тўғрисида фикр ҳамда тақдирлари билан ўртоқлашдилар. Президентликка номзод Акмал Саидов берилган саволларга жавоб қайтариб, долзарб муаммолар муҳокамасида фаол қатнашгани учун йиғилганларга миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовга овоз беринг!

«Миллий тикланиш» ДП матбуот хизмати.

Ислом Каримовнинг Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашуви



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 20 февраль куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов учрашува сўзга чиқиб, тадбир қатнашчиларини ўз Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари билан таништирди.

Таъкидланганидек, таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, sanoатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялаш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш 2015 йилда ва ундан кейинги даврда энг устувор вазифа бўлиб қолади.

Шунингдек, хусусий мулк ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, иқтисодиётда давлатнинг иштирокини танқидий қайта қўриб чиқиш, ирригация ва мелиорация ишларини давом эттириш, ерларнинг унумдорлиги ҳамда ҳосилдорлигини ошириш, энг янги агротехноло-

гияларни жорий қилиш, фермерлик ҳаракатини янги ривожланиш босқичига олиб чиқиш масалалари бундан буён ҳам доимий эътиборда бўлиши қайд этилди.

Ислом Каримов маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш, sanoатга инвестиция жалб қилишни янада кенгайтириш, бандликни таъминлаш, аввало, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш масалаларига эътибор қаратди.

Ташқи сиёсат масалаларига тўхталар экан, Ислом Каримов узоқ ва яқин атрофдаги давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан дўстона муноса-

батлар ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни биринчи даражали вазифа, деб билишини таъкидлади.

Учрашувада меҳнат фахрийси Х. Тангриев, Қумқўрғон туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси З. Хидирова, Термиз давлат университети магистранти Н. Курбонова, кичик сержант М. Раҳимов ва бошқалар мамлакатимизда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни янада ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида изчил ўзгаришлар амалга оширилаётганини қайд этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани юртимизда демократик ислохотлар ҳаётга чуқур татиқ этилаётганининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловчилари Ўзбекистон Президентлигига номзод Ислом Каримовга овоз беришга қақиради!

ЎзЛиДеп матбуот хизмати.

Тараққиётнинг янги уфқлари

Наримон Умаров Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.



20 февраль куни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Номзод билан учрашувада шаҳардаги корхона ва ташкилотлар вакиллари, талаба-ёшлар, маҳаллалар фаоллари, “Адолат” СДП аъзолари, журналистлар қатнашди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили — “Адолат” СДПнинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси П. Пармонова пойтахтликларни Наримон Умаровнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров нутқ сўзлади. У, жумладан, сайловолди ташвиқоти доирасида ўтказилаётган учрашувлар номзодга нафақат ўз Сайловолди дастурини тақдим этиш, балки сайловчиларнинг фикр ва интилишларини яқиндан билиш имконини бераётганини қайд этди. Таъкидланганидек, жамият

ҳаётининг барча соҳасидаги демократик ислохотлар натижасида мамлакатимиз юксак марраларни қўлга киритди. Иқтисодиёт барқарор суриятларда ривожланиаяпти, ижтимоий инфратузилма мустаҳкамланмоқда. Бу давлатимиз томонидан танлаб олинган тараққиётнинг “Ўзбек модели” нақадар тўғри эканлигини намоян қилади. Бизнинг вазифамиз бошланган ўзгаришларни давом эттиришдир.

Президентликка номзоднинг Сайловолди дастурида аҳолининг турли ижтимоий ғруҳ ва қатламларининг турмуш сифати таъминоти доирасида ўтказилаётган учрашувлар номзодга нафақат ўз Сайловолди дастурини тақдим этиш, балки сайловчиларнинг фикр ва интилишларини яқиндан билиш имконини бераётганини қайд этди. Таъкидланганидек, жамият

лий бойлигидир ва биз унинг ҳар томонлама қўпайиши ҳамда тараққий этишига йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқамиз ва қўллаб-қувватлаймиз”, дея қайд этди Наримон Умаров.

Дастурда ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши кўзда тутилмоқда. Бунда бизнес ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалиётга жорий қилишнинг энг муҳим шаклидир. Шу сабабли давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини кучайтириш, уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш бўйича тақдирлар илгари сурилаяпти.

Наримон Умаров иқтисодиётнинг барқарор инновацион тараққиётида давлатнинг тартибга солувчи роли мустаҳкамлашни тарафдоридир. Бунда иқтисодиёт фан ва техниканинг энг замона-

вий ютуқларига, шунингдек, илгор инновацион тафаккурни тарбияладиган таълим тизимига таъминот керак.

Давлат иқтисодиётни ривожлантиришда “яшил йўл”га ўтилишида, айниқса, зарур инфратузилма яратилишига сармоя киритиш, бошқаруving самарали тизими ва хусусий сармоялар ҳамда экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида етакчи роль ўйнаши керак. Энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологиялар кенг қўлдан жорий этилиши лозим.

Номзод ўз Сайловолди дастурининг барча йўналиши мазмун-моҳиятини тушунтириб берди, сайловчиларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Тошкент педиаатрия тиббиёт институти ректори Б. Даминов, Сергели тумани хотинқизлар кўмитаси раиси Д. Раҳимжонов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Т. Матибоев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаб сўзга чиқди ва пойтахтимиз аҳолисини шу йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга қақиради.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси мамлакатимиз фуқароларини сайловда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровга овоз беришга қақиради!

«Адолат» СДП матбуот хизмати.

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ушбу қонун лойиҳасининг мазмун–моҳияти корпоратив бошқарув тизимида принцип­лар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвести­ция жараёнлари корпоратив менежментининг замонавий халқаро стандартларини жо­рий этишдан иборатдир, — **дея таъкидлади Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқ­тисодий ислохотлар кўмита­сининг аъзоси Н. Саидха­метова**. — Бунда шунга ўхшаш чет эл тажрибаси ҳисобга олинди, устига-устак, иқтисодий жиҳатдан ривож­ланган мамлакатларда, айниқ­са, саноат ишлаб чиқариши соҳасида мулкчиликнинг бу шакли катта салмоққа эга. Қонун лойиҳаси акциядорлар­нинг умумий йиғилишида жа­миятларни ўртача муддатли ва узок муддатли даврда ривож­лантириш бўйича аниқ стра­тегияни тасдиқлашга доир та­лабларга эга нормаларни қонунчилик йўли билан мус­таҳкамлаш, ижро этувчи орган ва кузатув кенгашининг жами­ятларни ривожлантириш стра­тегиясига эришиш юзасидан

ДЕПУТАТЛАР ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини мун­тазам равишда эшитиб бо­ришни назарда тутади. Айниқ­са, шуниси муҳимки, акция­дорлик жамиятларининг йирик акциядорларига (акцияларнинг 25 фоизидан ортиғига эгалик қилувчиларга) ушбу жамият­ларнинг миноритар акциядор­лари олдида дивиденддан бўйича қарз бўлмаган тақдир­да, дивиденддан тўлаш тўғри­сидаги норма мустаҳкамлаб қўйилди. Киритилаётган туза­тишлар жамиятда корпоратив бошқарувни ривожлантириш­да, акцияларининг ҳажми ки­чик ва тарқоқлиги туйғайли бугунги кунда амалда бошқариш ҳамда қарорлар қабул қилиш­дан маҳрум бўлган миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини мустаҳкам­лашда катта аҳамиятга эга.

— Қонун лойиҳасини тай­ёрлаш жараёнида биз уни кўмитада давлат бошқаруви органлари, фуқаролик жамия­ти институтлари вакиллари, шунингдек, соҳа мутахассис­лари ҳамда ҳуқуқшунослар иштирокида кенг муҳокама эт­дик, — **дейди Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқ­тисодий ислохотлар кўмита­сининг аъзоси Б. Темирха­нова**. — Бунда бошқа кўмита­лар ва сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий ҳуж­жатни янада такомиллашти­ришга қаратилган барча фикр­мулоҳазалари инобатга олин­ди. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида қўриб чиқишнинг кейинги босқичига тайёрлаш юзасидан навбатда­ги ҳаракатлар режасини иш­лаб чиқдик.

“Йод етишмаслиги ка­салликлари профилактика­си тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси катта иқтимоий аҳамиятга эга. Ушбу қонун лойиҳаси “Соғлом бола йили” Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди. Ҳуж­жатнинг қабул қилиниши фа­қат сифатли йодли ош тузи билан таъминлаш орқали Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида йод етиш­маслиги касалликларининг ол­дини олишга ва камайитириш­га қаратилган.

Шундан сўнг депутатлар **“Хусусий мулк ҳуқуқлари янада кучайтирилиши му­но­са­бати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўз­гар­тиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз ку­чини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қонун лойиҳа­сини** қўриб чиқдилар. Давла­тимиз раҳбари Вазирлар Маҳ­камасининг мамлакатимизни 2014 йилда иқтимоий-иқтисо­дий ривожлантириш яқулари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг му­ҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида тад­биркорлик субъектлари ҳамда хусусий мулк эгалари учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонун­чилик йўли билан ҳимоя қилиш нормаларини кучайтириш за­рурлигини таъкидлаган эдилар.

Қонун лойиҳаси хусусий мулкни ҳимоя қилишни ва ху­сусий тадбиркорлик ҳуқуқла­рининг кафолатларини кучай­тиришга, шунингдек, хусусий мулк ҳуқуқларини бузганлик учун шахсларнинг жавобгарли­

гини оширишга қаратилган. Тузатишлар Фуқаролик, Ўй­жой, Солиқ кодексларига, “Тадбиркорлик фаолияти эр­кинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳуж­жатларига киритилмоқда.

— Қонун лойиҳасида ху­су­сий мулкни ҳимоя қилишни ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтиришга, шунингдек, ху­су­сий мулкни қонунга хилоф равишда олиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жа­вобгарлигини оширишга доир чора-тадбирлар назарда ту­тилмоқда, — **дея таъкидла­ди Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг аъзоси Ш. Мамажонов**. — Шунингдек, Фуқаролик кодек­сида мулкий ҳуқуқнинг бозор қийматини баҳолаш бевоcита бундай мол-мулкни олиб қўйишдан олдинги эки келгү­сида олиб қўйилиши ҳақида­ги хабар мол-мулк ва мулкий ҳуқуқнинг бозор қийматига таъсир қилган пайтга баҳолов­чи ташкилот томонидан баҳо­ланишини назарда тутувчи қўшимча киритиш тартиби белгилаб қўйилмоқда.

ДЕПУТАТЛАР ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Солиқ кодексидида шундай норма мустаҳкамланмоқдаки, унга мувофиқ, мулкдорлар давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган­ларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан судга хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш би­лан боғлиқ ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузил­ганлиги ҳақида мурожаат қил­ганда, судларда давлат божи­ни тўлашдан озод этиладилар. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хусусий мулк­дорларни янада самарали ҳимоя қилишга, айбдорлар, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан бундай ҳуқуқларнинг бузилишига йўл қўймасликка хизмат қилади.

— Қонун лойиҳаси кўмита­миз аъзолари томонидан ман­фаатдор вазирликлар ва идо­ралар, ҳуқуқ соҳасидаги му­та­хассислар билан ҳамкорлик­да ҳар томонлама қўриб чи­қилди, — **дея қайд этди Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзо­си В. Цветков**. — Шунинг­дек, ҳужжат сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайлан­ган депутатлар гуруҳининг мажлисларида уларнинг партияларида дастурларини ҳамда сайловчилари фикрла­рини инобатга олган ҳолда муҳокама этилди. Мажлислар иштирокчилари масъул кўми­таннинг қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг нав­батдаги мажлисида биринчи ўқишда қўриб чиқиш учун киритиш тўғрисидаги таклифи­ни қўллаб-қувватладилар.

Шунингдек, депутатлар **“Радиочастота спектри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Ўзе­бекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги** ва бир қатор бошқа қонун лойиҳала­рини ҳам қўриб чиқдилар.

Мажлис кун тартибига ки­ритилган масалаларни муҳо­кама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракцияла­ри ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депу­татлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Улар ўз парти­ялари дастурларидан ҳамда сайловчиларининг фикрлари­дан келиб чиққан ҳолда, мам­лакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий база­сини янада такомиллашти­риш, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарали татбиқ қилиш, халқ турмуши­ни яхшилаш учун қўриб чи­қилган қонун лойиҳаларининг муҳимлигини қайд этдилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун лойиҳалари ҳар томон­лама муҳокама этилганидан сўнг Олий Мажлис Қонунчи­лик палатаси уларнинг кон­цепцияларини маъқуллади ва биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул кўмиталарга келиб тушган таклифларни инобат­га олган ҳолда ҳужжатларни кейинги ўқишда қўриб чиқиш учун тайёрлаш топирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.

■ ИФТИХОР

Шу муқаддас заминимизда яшаган улуг аждодларимиз бундан кўп асрлар илгари ҳозирги замонавий илм-фанга пойдевор қўйиб, уни ривожлантиришга беқияёс ҳисса қўйишган. Хусусан, улар математика, астрономия, геодезия, география, тарих, арифметика, фармакология, тиббиёт, фалсафа ва тилшунослик соҳаларидаги қомусий ишлари, ихтиролари билан жаҳон цивилизацияси равнақида ўчмас из қолдирганлар. Ғарбда “Нур Шарқдан таралади” деган иборанинг пайдо бўлгани ҳам бежиз эмас.

Буюк алломалар илмий мероси:

МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хораз­мий, Аҳмад Фарғоний, ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғ­бек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби бобокалон­ларимиздан қолган илмий-маъна­вий мерос Шарқ уйғониш даври­нинг дурдоналари мақомида дунё ахли томонидан ҳақли равишда тан олинган. Айниқса, Марказий Осиё ўрта асрлар илмий-маданий марказларидан бири сифатида бошқа минтақалардаги Ренессанс жараёнига ижобий таъсир кўрсат­гани жаҳон илм-фанида ўз тас­дигини топган.

2014 йилнинг май ойида Самарқандда дунёнинг эллика яқин мамлакатидан келган олим­лар, нуфузли халқаро ташкилот­лар ва илмий марказлар вакил­лари, экспертлар иштирокида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивили­зация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзусида ўтказилган халқаро конференция ва давла­тимиз раҳбарининг унинг очилиш маросимидagi маърузаси улуг аждодларимизнинг ана шундай бой маънавий мероси аҳамияти­ни яна бир қарра чуқур англаш имконини берди.

Табиат ҳодисаларига оид та­комиллашиб, тадриҳий ривож­ланиб борган тушунча ва таъли­мотлар, инсоннинг табиат билан боғлиқлиги тўғрисидаги маълу­мотлар илк маротаба “Авесто” ҳамда Шарқ Ренессанси даври­да ижод қилган мутафаккирлар асарларида ўз ифодасини топ­ган. Ўз навбатида, Амир Темур, Алишер Навоий сингари давлат арбоблари томонидан ободон­лаштириш, боғ-роғлар барпо этиш, суғориш тизимларини ри­вожлантириш каби эзгу йомуш­лар доимо қўллаб-қувватлаб ке­линган. Бинобарин, табиатга эҳтиром, унинг сиру синоатла­рини англаб етишга интилиш ил­мий асарларда яққол ифодаси­ни топиб, жаҳон илм-фанига бе­қияёс ҳисса бўлиб қўшилди. Бу,

Юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси

«Нима қилдик Ватан учун?» шиори остида ўтказилаётган ижодий учрашувларда яққол намоён бўлмоқда

<i>Нега Ватанни қадрлаймиз, ардоқлаймиз? Нима учун Мустақиллик энг улуг нёъмат? Истиқлол бизга нима берди? Биз-чи, Ватан учун нима қилдик?</i>
--

■ ТАДБИР

Кеча Заҳириддин Муҳаммад Бобур номида­ги Андижон вилояти мусиқали драма ва комедия театрида таниқли ёзувчи ҳамда шоирлар, маданият ва санъат намояндалари ҳамда ёшлар иштирокида бўлиб ўтган ижодий учрашувда ана шундай саволлар атрофи­да сўз юритилди.

Ўзбекистон Респу­бли­каси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўз­бекнаво” эстрада бир­лашмаси ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги томо­нидан “Нима қилдик



Хурсандбек АРАББОВЕВ олган суратлар.

ЖАРАЁН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

албатта, бизга катта ифтихор ва гурур бағишлайди.

Улардан бири инсоният интел­лектуал тарихида чуқур из қол­дирган илмий мактаб — Хоразм Маъмун академиясида самарали фаолият олиб борган Абу Райҳон Беруний ҳисобланади. Манбалар­да айтилишича, улуг қомусий аллома 150 дан зиёд асар ёзган. Улардан фақат 31 таси бизгача етиб келган.

Юртбошимиз алоҳида таъкид­лаганидек, “Беруний қўли илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юза­сидан ўзига хос янги ғояларни тақдиф этди, Ер радиусини ҳисоб­лаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изохлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минерал­лар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқ­ди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср дунё табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб аталиши бежиз эмас”.

Дарҳақиқат, табиат неъматла­рини кўз қорачиқидек асраб-авай­лаш, уларни қадрлаш ва ҳар то­монлама ўрганиш миллий маъна­виятимизга чуқур сингган, халқи­мизга хос эзгу фазилат ҳисобла­нади. Абу Райҳон Берунийнинг “Сайдана” асарида 1118 турдаги доривор, шу жумладан, 750 та ўсимлик ҳамда 101 ҳайвонга ба­тафсил таъриф берилади. У ўз ишида араб, юнон, ҳинд, форс, сўд ва бошқа тилларга оид 4500 та ўсимлик номи, ҳайвон, минерал ва улардан олинадиган маҳсулотлар ҳақида маълумот тўп­лаб, ўша давр доришунослик атамаларини тартибга солишга ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Унинг илмий даҳоллиги шундаки, тадқиқотлари, тажрибаларида та­биатдаги барча ҳодисалар муйай­ян табиий қонуният асосида юз беради, ташқи кучнинг таъсири уни издан чиқариши мумкин, де-

Асарда ёзилишича: “Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса (яъни давлат ерларини бошқарувчи маҳкама) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўл­са-ю, обод қилишга қурби етма­са, унга турли асбоблар ва ке­ракли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

Буни Андижон шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабига таширф буюрган тadbир иштирок­чилари ҳам алоҳида эъти­роф этишди.

— Ушбу масканда таҳсил

олаётган ўқувчилар нафақат қўшиқчилик, балки рақс бо­бида ҳам ўз маҳоратлари­ни намойиш қилдилар, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мама­зотимова. — Мактабнинг симфоник оркестри ижро­сида миллий ва жаҳон ма­данияти дурдоналарини завқ билан тингладик. Буларнинг барчаси мамла­катимизда ёшларга қарати­лаётган юксак эътибор самараларидир.

Шунингдек, ижодий уч­рашув доирасида таниқли санъаткорлар иштирокида гала-концерт ташкил этил-

амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар курсинлар, бу­зилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига кўприklar солсинлар, йўл устида, ҳар бир манзилгоҳда рабoтлар курсинлар”.

Кези келганда шуни айтиш ло­зимки, Турон замини дунё микё-

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

сида суғориладиган деҳқончилик­нинг илк Ватани сифатида эъти­роф этилган. Шу боис ўлкамизда қадимдан суғорма деҳқончилик ривожланган, ирригация ва ме­лиорация соҳасида бой тажриба тўпланган. Хоразм, Бақтрия, Сўғдиёна, Парфия, Қушон, Сомо­нийлар, Қорахонийлар, Темирий­лар ва бошқа давлатларнинг пай­до бўлишида, сиёсий, иқтисодий, маданий ривожланишида суғориш ишлари алоҳида ўрин тутган. Дав­лат бошқарувида сувдан оқилона фойдаланишга катта аҳамият берилгани, миробларга давлат арбоби сифатида муносабатда бўлингани ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

Қўриниб турибдики, атроф-му­ҳитга эътибор ҳар бир даврда долзарб аҳамият касб этган. Шу маънода, замонавий экология бундан қарийб 150 йил аввал не­мис олими Эрнест Геккель таъ­рифлаб берган “Экология” тушун­часидан тубдан фарқ қилади. Унинг фикрича, ҳар қандай орга­низмнинг тадриҳий ривожлани­шига фақат вужуд ичида кечади­ган соф биологик, биофизик, био­химёвий ва бошқа жараёнлар таъсир этибгана қолмай, унинг тараққиётига ташқи муҳит ҳам фаол таъсир қилади. Ваҳолонки, бугун экология ўз ичига 70 та фундаментал фанни қамраб ол­ган кўп қиррали фандир. Эколо­гия инсон билан уни ўраб турган атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатни, тасирирни ўрганув­чи, таҳлил қилувчи ва истикболи­ни белгилаб берувчи илмий, амалий йўналишлар мажмуи ҳисобланади.

Экология фанига оид тадқиқот­лар кўп йўналишлар бўйича олиб борилган бўлса-да, бироқ халқи­мизнинг экологик маданияти, миллий экологик анъаналарига ҳанузгача чуқур ўрганилмай ке­линмоқда. Зеро, бизда азалдан ҳамиша табиат ва инсон уйғун­лигига эришишни таъминлашга интилиб, келгуси авлод учун она-заминимизни асраб-авайлаб, у билан боғлиқ асрий қадриятлар-

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

нинг яна бир ёрқин наму­насидир.

Республика Хотин-қиз­лар кўмитаси томонидан мазкур қарор ижроси доирасида шоира юби­лейига бағишлаб кенг қўламли иш­лари, комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, шоира узок йиллар фао­лият юритган “Саодат” журна­ли қошида “Зулфия­хоним мактаби” тўғраги ташкил қилинди. Юрти­миздаги театрларда шоиранинг “Хотирам сини­қилари” дostonи асосида тайёрланган спектакль на­мойиш этилиб, уларга қарийб 20 минг нафар аҳоли, шу жумладан, ёшлар жалб қилинди. Ўқув масканлари, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида ёзув­чи ва шоирлар, адабиёт­шунос олимлар иштироки­да ижодий учрашувлар ўтказилаётганини ҳам ай­тиш жоиз. Шунингдек, бир қатор нашриётлар билан ҳамкорликда Зулфия но­мидаги Давлат мукофоти­нинг 8 нафар совриндори китоблари чоп этилди. Ўз навбатида, zulfiaxoni.uz веб-сайтининг яратилгани ўзбек адабиётининг бар­ча ихлосмандларига, кенг жамоатчилик, айниқса,

Зулфия ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ барча асар­лар, материаллар ўзбек, рус, инглиз тилларида жойлаштирилади.

Сайт 10 та бўлим, 20 та рункдан иборат бўлиб, унда миннга яқин маълу­мотлар, шоиранинг юздан ортиқ шеърлари, аудио ва видеолавҳалар, фотосурат­лар ўрин олган. Шунинг­дек, турли ижодкорларнинг шоира ҳақидаги фикр-му­лоҳазалари, Зулфия шо­гирдларининг ёрқин хоти­ралари, “Хотирам синиқ­илари” dostonи асосидаги “Ёдим синиқилари” спек­так­ли, рассомчилик, мусиқа санъати асарлари намуна­лари жойлаштирилган.

Тақдимотда сўзга чиқ­қанлар шоиранинг Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғуси ҳамда юксак инсо­ний фазилатлар таранум этилган бадий асарлари­ни, ҳаёти ва фаолиятини ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилишда мазкур сайт алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Респу­блика Хотин-қизлар кўми­та­си раиси Э. Боситхорова сўзга чиқди.

дан иборат маданий меросга таяниб келинган. Шу сабабли миллий маънавиятимиз салохия­тини акс эттирувчи ва ажралмас бир қисми бўлиши табиат, унинг саховатини улғулаш, атроф-му­ҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқимиздаги миллий маданият, билимлар, анъаналар, тажриба­лар, меросларни бир тизимга келтириб, таҳлил қилиб, улардан мустақил мамлакатимиз олдида турган долзарб экологик муам­моларни ҳал этишда фойдалани­шимиз зарур. Бу келажак авлод­га озод ва обод Ватан, мусаффо табиат, ноёб табиий бойликлар­ни аслидек мерос қилиб қолди­риш билан боғлиқ эзгу ишда дастуриламал бўлиши, шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда экологик муаммолар инсо­нийят олдида турган энг асосий масалалардан биридир. Уларни ҳал этиш ва экологик ҳавфни бар­тарاف қилишнинг долзарблиги Президентимиз томонидан “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарор­лик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида батафсил ёритиб берилган.

Шу маънода, миллий маъна­виятимизнинг серқирра ва теран илдизларига таянган ҳолда, маф­куравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқишда экологик мафку­ра, таълим ва тарбия тизимини яратиш алоҳида ўрин тутиши ло­зим. Бу борадаги саъй-ҳаракат­ларга фаолият кўламини тобора кенгайтириб бораётган Ўзбекис­тон экологик ҳаракати ҳақиқий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хиз­мат қилади. Чунки Экоҳаракат­нинг мақсад ҳамда вазифалари халқимизнинг асрлар оша синов­да тобланган эзгу қадриятлари билан ҳамоҳангдир. Мамлакатим­изда мазкур устувор йўналиш­ларни амалга оширишда давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг иштирок этиши кафолатланибги­на қолмай, уларнинг ташаббус­лари ҳам кенг қўллаб-қувватлан­моқда.

Зеро, Президентимиз таъкид­лаганидек, “Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: “Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурла­нишимиз керак”, деб айтаман. Айни вақтда “Фақат ғурурланиш­нинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, ҳудди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!” деб тақоррайман”.

Борий АЛИХОНОВ,
Ўзбекистон экологик ҳаракати
Марказий кенгаши
Ижроа кўмитаси раиси,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Спикерининг ўринбосари,

Абдурахим ҚҮРБОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати.

ёшлар

Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси

Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай камол топа-япти. Замонавий компьютер технологиялари, бир қатор хорижий тилларни пухта ўрганмоқда.

ТАЪЛИМ

Шу билан бирга, соҳадаги янги-ланиш жараёнлари устоз-мураббийларнинг жамиятда нуфузи ор-тишига, уларни моддий ва маъна-вий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнатини муносиб рағбатланти-ришга асос бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан аъ-навий тарзда ўтказилиб келина-ётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши мактаби", "Йилнинг энг яхши пси-хологи" каби кўрик-танловлар пе-дагоглар орасидан илгор ҳамда та-шаббускорларини аниқлаш, улар-нинг иш тажрибасини оммалашти-ришга хизмат қилмоқда.

"Йилнинг энг яхши фан ўқитув-чиси" республика кўрик-танлови-нинг Тошкент шаҳар босқичи ҳам қатор фанлардан энг яхши фан ўқитувчиларини саралаб берди.

Таъкидлаш керакики, белгиланган шартларга кўра, мазкур танловда олий маълумотли, камида уч йил-лик меҳнат тажрибасига эга, ўзи-нинг илгор педагогик ишланмала-ри оммалаштирилган, қисқача айтганда, маҳоратли педагоглар иштирок этишади. Қолаверса, қат-нашчининг таълим сифатини оши-ришга қўшган ҳиссаси, ўқувчилар-нинг "Билимлар беллашуви" ҳамда турли кўрик-танловлар, учрашувларда қўлга киритган ютуқлари ҳам эътиборга олинади.

Танловнинг Тошкент шаҳар босқичи якуний натижаларига мувофиқ, кимё фанидан Чилонзор туманидаги 103-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Э. Аджамбетова, математика фани бўйича Шайхонтохур туманидаги 180-умумтаълим мактаби ўқитувчиси А. Алимбекова, тарих фанидан Шайхонтохур туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси И. Салаев биринчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар кўрик-танловнинг мам-лакат босқичида иштирок этади.



ТЕЗКОРЛИК ВА ХОЛИСЛИК

мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий мезонидир

Пойтахтимизда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасидаги "Жамият ва мен", "Эътироф" республика танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ТАНЛОВ

Ушбу тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фон-ди томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкilotларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкор-ликда ташкил этилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамия-тини ривожлантириш жараёнида оммавий ахборот воситалари босқичма-босқич ривожланиб, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлиги ошиб бормоқда. Энг муҳими, ишончли, тезкор ва хо-лис ахборотлари билан миллий журналистика-

миз жамиятимизда ўзи-нинг муносиб ўрнига эга бўлиб бораётир.

Давлатимиз томо-нидан яратиб берилаёт-ган кенг имконият ва шароитлар туфайли юртимизда оммавий ах-борот воситалари сони жадал ўсмоқда. Бугун-ги кунда уларнинг сони 1991 йилдагига нисба-тан 3,5 баробар, жумла-дан, газеталар 2,5 мар-та, журналлар эса 3,5 қарра кўпайди. Интернетдан фойдала-нувчилар сони ҳам ошиб бораёпти. Айни пайтда улар 10 миллион 200 минг кишидан ошди ёки республикаимиз аҳо-лиснинг учдан бир қисмини ташкил этмоқда.

2014 йилда қабул қилинган "Давлат ҳо-мияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республика-си Қонуни фуқаролар-нинг ахборот соҳасига оид ҳуқуқларини янада кенг таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқару-

ви органлари масъули-ятини ошириш ҳамда фуқаролик жамияти ин-ститутлари ролини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воси-таларини янада ривож-лантириш учун кўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори эса оммавий ахборот воси-таларининг молиявий барқарорлиги ва иқтисо-дий мустақиллигини таъминлашга туртки берди.

Тадбир давомида де-мократик ислохотларни жамоатчиликка етказиш-да журналист масъули-яти, унинг фаол фуқаро-лик позицияси, оммавий ахборот воситаси ходи-мининг касб одоби, жа-моатчиликка тезкор, хо-лис ва ҳаққоний ахборот етказишда ихтисосла-шувнинг долзарб маса-лалари кенг муҳокама қилинди.

"Жамият ва мен" тан-ловида 12 та йўналиш-да, "Эътироф" танлови-да эса 6 та йўналишда ғолиблар аниқланди.

Дилмурод СОДИКОВ.

Бахтиёр АКРАМОВ
олган сурат.

ҚУТЛАЙМИЗ!

"Эътироф" танловида тақдирланганлар орасида "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари фотомухбири Шомурот Шарапов ҳам бор. Ҳамкасбимизни чин дилдан қўтлаб, келгусидаги ишларида янада муваффақият тилаймиз.

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан, Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2012 йил 11 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилояти, Когон тумани, «Туткунда» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, «Армометалл» ҚК МЧЖ балансидаги асосий воситалар, ускуналар ва бино-иншоотлар мажмуаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 230 993 557 сўм.

Ушбу мулкларнинг аукцион савдоси 2015 йил 9 март куни соат 11.00 да ўтказилади. Мазкур мулклар ушбу кундаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 25 март куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Мулкдор бўлиш истагидидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» МЧЖга юқорида кўрсатилган мулкларни сотиб олиш учун ариза, савдо ташкилотчисининг АТБ «Хамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966 СТИР: 302097424, 20208000004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси, талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхасини тақдим этишлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун олганда тўхтатилади.

Кўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: «Shad savdo zamin» МЧЖ, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 106-хона.

Телефон: (0-365) 221-51-62.

Хизматлар лицензияланган.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Тошкент вилояти бошқармасининг 2015 йил 17 февралдаги 13/6-148-15-сонли буюртмаомасига асосан, бошқарма тасарруфидаги Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 10-«А» уйда сақланаётган, «Tico» русумли, давлат рақами 01/765ССА бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати яроқсиз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 2 279 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 2 март куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 2 март куни соат 18.00.

Автотранспорт воситаси 24 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 1 ва 9 апрель кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 1 апрелдаги савдо учун — 30 март куни соат 18.00, 9 апрелдаги савдо учун — 7 апрель куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» АЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

www.rmm.uz

Гувоҳнома № 001580.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 150 629 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

кафедралардаги қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

- Токсикологик, органик ва биологик кимё кафедраси:** доцент-1, катта ўқитувчи-1.
- Фармацевтик кимё кафедраси:** доцент-1, катта ўқитувчи-1.
- Фармакогнозия кафедраси:** ассистент-1.
- Дори воситаларининг саноат технологияси кафедраси:** кафедра мудири (фан доктори ёки фан номзоди), катта ўқитувчи-1, ассистент-1.
- Фармация кафедраси:** доцент-1.
- Дори турлари технологияси кафедраси:** доцент-1, катта ўқитувчи-1.
- Фармакология ва клиник фармация кафедраси:** катта ўқитувчи-1, ассистент-1.
- Тиллар кафедраси:** кафедра мудири (фан доктори ёки фан номзоди), катта ўқитувчи (инглиз тили)-1.
- Фармацевтика иштини ташкил қилиш кафедраси:** катта ўқитувчи-1, ассистент-1.
- Экология ва микробиология кафедраси:** катта ўқитувчи-1.
- Биотехнология кафедраси:** доцент-1, ассистент-1.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарорига мувофиқ, «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари асосида ўтказилади.
Танлов мuddати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.

Манзил: Ташкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй. Телефонлар: (0-371) 256-37-38, 256-38-50.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази

юқори малакали мутахассисларни ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказоди.

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар (паспорт, диплом, гувоҳнома, сертификат ва охириги малака оширганлиги ҳақидаги ҳужжатлар нусхаси) 2015 йил 27 февралгача қабул қилинади.

Нурли ташхислаш бўлимига	Тор мутахассислар
Рентгенолог, радиолог ва УТТ шифокорлари (КТ, МРТ, рентгенография, дентал рентген, рентгеноскопия (С-ёй), ЭХО-КГ ва УТТ).	Хирург, травматолог, офтальмолог, оториноларинголог, стоматолог, невропатолог, уролог, акушер-гинеколог, кардиолог, эндокринолог, Тиббий-психо-педагогик реабилитация ва физиотерапия бўлимига
Функционал ташхислаш бўлимига	Физиотерапевтлар, массажаистлар ва реабилитологлар
Функционал диагностика шифокорлари (ЭКГ, Холтер мониторинг, спирометрия, эргометрия тридмел тест учун югуриш йўлаклари).	(гидротерапия, электротерапия, лазеротерапия, магнит-терапия, ультратовуш терапия, вакуумтерапия, мануал терапия ва лимфодренаж).
Лаборатор диагностика бўлимига	Ёрдамчи мутахассисликлар бўйича
Врач-лаборантлар (клиник, биохимик, ИФА, допинг назорат ва спорт генетикаси).	Тиббий асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун инженерлар ва техниклар, ахборот-технологлар.

Танлов ўтказиш жадвали:

Йўналишлар	Ўтказилиш кuni
Функционал диагностика ва тор доирадаги мутахассислар учун	2015 йил 2 март соат 9.00 дан 11.00 гача
Лаборатор диагностика	2015 йил 3 март соат 9.00 дан 11.00 гача
Рентген диагностика ва УТТ мутахассислари учун	2015 йил 4 март соат 9.00 дан 11.00 гача
Физиотерапевтлар ва реабилитологлар учун	2015 йил 5 март соат 9.00 дан 11.00 гача

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 245-72-42, 245-52-54.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 15/1-уй, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси.

«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

2015 йил 23 март куни соат 11.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2014 йил 5 ноябрдаги ижро варақасига асосан, Термиз шаҳар ИИБ ИХБда сақланаётган:

- 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia DOHC» русумли, давлат рақами 75 М 711 АА.
- Бошланғич баҳоси — 27 900 000 сўм.**

- 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Damas» русумли, давлат рақами 75 У 488 ЕА.
- Бошланғич баҳоси — 27 000 000 сўм.**

- 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz» русумли, давлат рақами 75 С 404 FА.
- Бошланғич баҳоси — 18 450 000 сўм.**

- 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz best» русумли, давлат рақами 75 У 551 ЕА.
- Бошланғич баҳоси — 18 881 460 сўм.**

- 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz» русумли, давлат рақами 75 А 128 FА.
- Бошланғич баҳоси — 18 000 000 сўм.**

- ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2015 йил 16 январдаги ижро варақасига асосан хатланган, Суд департаменти Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳовлисида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Epicа BDA» русумли, давлат рақами 75 Т57 DAA.
- Бошланғич баҳоси — 71 440 000 сўм.**

- ЖИБ Қарши шаҳар судининг 2014 йил 9 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ИХБда сақланаётган, 1994 йилда

ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia» русумли, давлат рақами 75 S 212 BA.

Бошланғич баҳоси — 19 953 616 сўм.

- ЖИБ Қизилқўрғон тумани судининг 2015 йил 3 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ИХБда сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia GTLB3» русумли, давлат рақами 75 D 717 BA.

Бошланғич баҳоси — 34 770 000 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 20 март куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳоси-нинг 10 (ўн) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зака-лат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion Invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ҲАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Иштирий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:

Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси.
Мурожаат учун телефон: (+99891) 577-03-00.

Гувоҳнома
№ 004059.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Янгийер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Янгийер шаҳар судининг 2014 йил 12 февралдаги 1-06/303-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгийер шаҳри, Темур Малик номидаги маҳалла, Пахта-кор кўчасида жойлашган, майдони 1750,0 кв.м.дан иборат бўлган савдо маркази ва оқватланиш шохобчаси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 659 990 013 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 10 март куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари

соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 6 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фо-издан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.
Тел.: (0-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент молия институти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодий, иқтисод фанлари номзоди, профессор Қосим Абдуллаҳоджаевич ЯХЎЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти жамоаси меҳнат фахрийси, техника фанлари номзоди

Марҳамат ОДИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУА